

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРДИЕВ ХАЙИТЖОН УСМОНҚУЛ ЎҒЛИ**

**ПАРЛАМЕНТ ВА ҲУКУМАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
МАСАЛАЛАРИ**

12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy(PhD)**

**Турдиев Хайитжон Усмонкул ўғли**

Парламент ва ҳукумат муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш масалалари.....3

**Turdiev Khayitjon Usmonkul ugli**

Issues of improvement of the organizational legal mechanism for relations between parliament and government.....23

**Турдиев Хайитжон Усманкул угли**

Вопросы совершенствования организационно-правового механизма взаимодействия парламента и правительства.....41

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРДИЕВ ХАЙИТЖОН УСМОНҚУЛ ЎҒЛИ**

**ПАРЛАМЕНТ ВА ҲУКУМАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
МАСАЛАЛАРИ**

12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Yu285 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тулътеев Ильяс Тавасович,**  
юридик фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Мухамеджанов Аманулла Закирович,**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Зулфикаров Шерзод Хуррамович,**  
юридик фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва  
парламент тадқиқотлари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 15 январь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (998) 71-233-66- 36; факс: (998) 71-233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (947-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил «30» декабрда тарқатилди.

(2020 йил «30» декабрдаги 9 рақамли реестр баённомаси).

**Р.Р.Ҳақимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**И.Р.Беков**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор в.б.

**М.А.Ахмедшаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда барча ҳукукий демократик давлатлар томонидан ҳокимиятлар бўлиниши принципи давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принципи сифатида эътироф этилиб, парламент ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. БМТнинг жаҳон мамлакатларида демократик бошқарувни қўллаб-қувватлашга қаратилган фаолиятининг асосий йўналишларидан бири «миллий парламентларга ҳокимиятлар бўлиниши ва назорат тизимини такомиллаштиришда кўмаклашиш»<sup>1</sup> ҳисобланади, шунингдек, 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган Барқарор ривожланиш мақсадларини бажаришнинг асосий ташаббускори – парламент ҳамда ижрочиси – ҳукуматдир. Айниқса COVID-19 пандемияси вақтида жамиятда тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал қилишда парламент ҳамда ҳукумат ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда парламентаризм конституциявий амалиётининг ривожланиши натижасида ҳукуматни шакллантириш, унда парламентнинг иштирокини кучайтириш, парламент назоратининг янги шакл ва услубларини ишлаб чиқиш орқали ҳукумат фаолияти устидан самарали назоратни ўрнатиш, парламент олдида ҳукуматнинг жавобгарлиги ортиб бориши билан парламент ва ҳукумат муносабатларининг ҳукукий табиати ўзгариши, бу жараёнларга «ақлли бошқарув» концепцияларини жорий қилиш масалаларига муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини ривожлантириш, ҳукуматни шакллантириш жараёнида парламент иштирокини кучайтириш, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгарлигини ошириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш»<sup>2</sup> масалалари устувор вазифа этиб белгиланган бўлиб, мазкур вазифаларни ҳал қилиш ушбу соҳадаги қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштиришни долзарб этиб белгиламоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги (2002), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

<sup>1</sup> <https://www.un.org/ru/sections/issues-depth/democracy/index.html>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тўғрисида»ги (2002), «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги (2007) Конституциявий Қонунлар, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги (2019), «Парламент назорати тўғрисида»ги (2016) Қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили лавозимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3294-сон Қарори (2017) ва мазкур соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросига ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон юридик фанида, биринчи навбатда – конституциявий ҳуқуқда, тадқиқот иши мавзуси билан боғлиқ айрим назарий ва амалий муаммолар миллий олимлар, жумладан, А.А.Агзамходжаев, С.М.Адилходжаева, А.А.Азизхўжаев, М.А.Ахмедшаева, Б.Б.Алимов, Ҳ.Б.Бобоев, З.Т.Воҳидов, К.Н.Джумабоев, С.М.Ерниёзова, Ш.Х.Зулфикаров, З.М.Исломов, А.Латифов, Г.Р.Маликова, М.М.Миракулов, Г.Р.Мирзаева, А.З.Мухамеджанов, М.К.Нажимов, Х.Т.Одилқориев, А.Э.Раҳманов, А.Х.Саидов, И.Т.Тулътеев, У.Т.Тошканбоев, Р.Р.Ҳакимов, А.М.Ҳошимхонов, О.Т.Хусанов ва бошқа олимлар илмий ишларида тадқиқ этилган<sup>3</sup>.

Мамлакатимизда парламент ва ҳукумат алоқалари назарий-ҳуқуқий таҳлили К.Н.Джумабоевнинг номзодлик диссертациясида (1993), давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашнинг ҳуқуқий таҳлили Р.Р.Ҳакимовнинг докторлик диссертациясида (2018), ижро ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳокимият билан муносабатининг назарий масалалари М.А.Ахмедшаеванинг докторлик диссертациясида (2010), Вазирлар Маҳкамаси ва парламент муносабатларининг ҳуқуқий тартиби А.Э.Раҳмановнинг номзодлик диссертациясида (2008), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси парламенти ва ҳукумати ўзаро муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий таҳлили С.М.Ерниёзованинг юридик фанлар бўйича фалсафа доктори диссертациясида (2019) ўрганилган, бироқ Ўзбекистон Республикасида парламент ва ҳукумат муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш мавзуси шу вақтга қадар тадқиқот иши сифатида докторлик диссертацияси даражасида комплекс ўрганилмаган.

МДҲ давлатларида ушбу мавзуга оид масалалар С.А.Авакьян, М.В.Баглай, А.С.Барто, Р.М.Веснин, А.Л.Гогаева, В.В.Голубев, В.Д.Зорькин, А.С.Зубарев, А.Д.Керимов, Н.М.Колосова, Ю.В.Копцева, В.В.Лазарев, М.Н.Марченко, Р.С.Мартынюк, В.В.Мозолев, Л.Р.Симонишвили, Б.С.Страшун, Т.Я.Хабриева,

<sup>3</sup> Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

И.Хутинаев, А.И.Черкасов, В.Е.Чиркин, И.И.Шуваловлар томонидан, узоқ хорижий мамлакатларда мавзуга оид масалалар A.Blaustein, R.Venter, M.Debre, M.Duverger, B.Zvingmann, K.Kato, M.Kimbrough, Sh.Martin, Z.Norkus, S.Prakash, S.Salman, P.Siaroff, K.Strom, O.Nicoleta, O.Rozenberg, L.Friedmanлар томонидан тадқиқ этилган<sup>4</sup>.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** парламент ва ҳукумат муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини комплекс тадқиқ этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси ўзаро муносабатлари механизмини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳокимиятлар бўлиниши тизимида парламент ва ҳукумат муносабатларини конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этиш;

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият муносабатларининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини кўрсатиб бериш;

ҳукуматни шакллантириш жараёнида парламент иштироки механизмини конституциявий-ҳуқуқий таҳлил этиш;

ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ этиш;

парламент олдида ҳукуматнинг жавобгарлигини кучайтиришнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиб бериш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ҳукуматнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ҳамкорлигини ривожлантириш масалаларини тадқиқ этиш;

хорижий мамлакатларнинг парламент ва ҳукумат ўзаро муносабатлари ташкилий-ҳуқуқий механизмига оид илғор тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш;

давлат ҳокимияти тизимида парламент ва ҳукумат муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ва бошқалар.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасида парламент ва Ҳукумат ўртасида юзага келувчи конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда парламент ва Ҳукумат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда Конституциявий ҳуқуқда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар ҳисобланади.

---

<sup>4</sup> Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция, дедукция ва статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг масъул кўмитаси, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилганидан кейингина Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқиш ва маъқуллаш зарурлиги асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг Қонунчилик палатасига тақдим этилишини таъминлаши зарурлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган парламент сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашиши зарурлиги асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларининг улар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя этилиши, Олий Мажлис палаталарининг, улар кенгашларининг қарорлари, кўмиталари ва комиссияларининг қарорлари бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитишда иштирок этиши зарурлиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонунлар, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар асосланган;

«Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунда парламент назоратининг ҳаракат доираси ва мезонини белгилаш мақсадида парламент назоратининг принципларини белгилаш ҳамда парламент эшитувлари ва парламент текширувнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурлиги исботланган;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг қарори билан тасдиқланадиган «Парламент текширувини амалга ошириш тартиби»ни ишлаб чиқиш ҳамда унда мазкур жараённинг барча процессуал жиҳатларини белгилаш зарурлиги асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган



илмий-назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонунчилик нормаларининг ўзаро таҳлил қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, натижаларнинг етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилингани, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан ҳокимиятлар бўлиниши принципида парламент ва ҳукумат ўртасида «ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими» ташкилий-ҳуқуқий механизмини амалга оширилишини кучайтиришга, унинг самараси ва сифатини оширишда муҳим назарий ва илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти парламент ва ҳукуматнинг муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Парламент ва ҳукумат муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш масалалари тадқиқоти хулосаларидан олинган натижалар асосида:

Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида дастлабки тарзда кўриб чиқишга оид таклифдан 2019 йил 5 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг «Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-527-сон Қонуни асосида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 524-П-сон Қонуни 4-моддасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2019 йил 29 ноябрдаги №05/01-1050-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг масъул қўмитаси, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқиш амалиётига оид механизмларини қонунчиликда белгилашга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг Қонунчилик палатасига тақдим этилишини таъминлаши зарурлиги ҳақидаги таклиф 2019 йил 10 майдаги Ўзбекистон Республикасининг «Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-536-сон Қонуни асосида Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-403-сон Қонуни 24<sup>1</sup>-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2019 йил 29 ноябрдаги №05/01-1050-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили парламент назорати субъектларига Вазирлар Маҳкамасининг кўмаклашишини таъминлашига хизмат қилган;

парламент сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакилининг кўмаклашуви ҳақидаги таклиф 2019 йил 10 майдаги Ўзбекистон Республикасининг «Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-536-сон Қонуни асосида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида»ги 522-II-сон Қонуни 32-моддасида акс этган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2019 йил 29 ноябрдаги №05/01-1050-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакилининг Ҳукумат аъзоларига юборилган парламент сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашишига оид механизмни мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларининг улар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя этилиши, Олий Мажлис палаталарининг, улар кенгашларининг қарорлари, кўмиталари ва комиссияларининг қарорлари бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитишда иштирок этиши зарурлиги ҳақидаги таклифлардан 2019 йил 10 майдаги Ўзбекистон Республикасининг «Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-536-сон Қонуни асосида Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-403-сон Қонуни 24<sup>1</sup>-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2019 йил 29 ноябрдаги №05/01-1050-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакилининг парламент назорати субъектларига Вазирлар Маҳкамасининг кўмаклашишини таъминлашига хизмат қилган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан 3 та халқаро, 3 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларини асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (шундан

1 та мақола хорижий журналда) ва тўпламлар таркибида 8 та илмий мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 9 параграфдан иборат учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Давлат ҳокимияти тизимида парламент ва ҳукумат муносабатлари: умумий тавсифи, моҳияти ва ривожланишининг назарий-ҳуқуқий асослари»** деб номланиб, ушбу бобда ҳокимиятлар бўлиниши тизимида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, парламент ва ҳукумат муносабатлари моҳиятига оид замонавий ёндашувлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси ўзаро муносабатлари ҳуқуқий асосларининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари масалалари тадқиқ этилган.

Диссертантнинг таъкидлашича, парламент ва ҳукумат муносабатлари механизмини тадқиқ этиш авваламбор ҳокимиятлар бўлиниши принципи моҳиятини очишни тақазо этади. Муаллиф томонидан бу борада ҳуқуқшунос олимларнинг (З.Исломов, Х.Одилқориев, М.Марченко, И.Гультеев, Р.Ҳакимов, J.Waldron) ёндашувлари таҳлил қилинган ҳамда ҳокимиятлар бўлиниши принципи – ҳокимият тармоқларининг ўзаро тийиб туриш ва мувозанат, ҳамкорлик воситалари орқали давлат ҳокимияти механизмини самарали амалга оширишни ҳамда давлат бошқарувида халқ манфаатларини таъминлайдиган сиёсий-ҳуқуқий доктрина ва амалиёт деган хулоса келинган.

Тадқиқотчининг фикрича, давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ҳуқуқий мақоми унинг функция ва ваколатлари, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш ҳамда назорат қилишда парламентнинг иштироки билан белгиланади. Ҳукумат ижро ҳокимиятининг олий органи сифатида қонунлар ижросини таъминлаб, давлат ишларини бошқаради, қонуности ҳужжатларини қабул қилади ҳамда бюджет, ташқи сиёсат масалалари, жамиятда тартибни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби муҳим вазифаларни амалга оширади.

Муаллифнинг фикрича, парламент ва ҳукумат ўртасидаги муносабатлар –

ҳокимиятлар бўлиниши принципида вужудга келувчи, ўзаро чекловлар ва мувозанат тизими ҳамда назорат тамойилларига асосланган, давлатнинг мақсад ва вазифаларини бажаришга қаратилган, мамлакат ҳаётидаги энг муҳим муносабатларни тартибга солувчи доимий ташкилий-ҳуқуқий воситалар йиғиндиси. Изланувчи томонидан парламент ва ҳукумат ўртасидаги муносабатларнинг замонавий моделлари ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳамда ўзаро мувозанат ва бир-бирини тийиб туриш тамойилига қараб президентлик, парламентар ва аралаш турларга ажратилади.

Тадқиқотчининг фикрича, парламент ва ҳукуматнинг ўзаро муносабатлари механизми қуйидаги йўналишларни ташкил этувчи ҳуқуқий нормалар орқали амалга оширилади: 1) ҳукуматни шакллантириш жараёнида парламентнинг иштироки; 2) ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш механизмлари; 3) парламент олдида ҳукумат ва унинг аъзоларининг сиёсий жавобгарлиги; 4) қонун ижодкорлиги жараёнида парламент ва ҳукумат ҳамкорлиги.

Диссертант томонидан Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият ва Ҳукумат фаолиятининг ҳуқуқий асослари шаклланиши тарихий, конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиниб, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатлари ривожланиши тўрт босқичга бўлиб ўрганилади: биринчи босқич (1990-2002 й.) парламент ва Ҳукуматнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги билан боғлиқ. Иккинчи босқич (2002-2010 й.) икки палатали парламентнинг шаклланиши, Вазирлар Маҳкамаси алоҳида ҳокимият тармоғига айланиб, Бош вазир ваколатларининг кенгайиши, ҳукуматни шакллантиришда сиёсий партияларнинг роли ошганлигини кўрсатади. Учинчи босқич (2010-2016 й.)да ҳукуматни шакллантириш тартиби янада демоклаштирилганлиги ҳамда парламент назорати шаклларида фойдаланиш, ҳукуматнинг парламент олдида жавобгарлиги (ишончсизлик вотуми) кучайтирилганлиги билан изоҳланади. Тўртинчи босқич (2016 йилдан ҳозирги кунга қадар) парламент назоратига бағишланган қоидалар махсус қонун ҳужжатларида тартибга солинганлиги ҳамда ҳукумат таркибини шакллантиришда Қонунчилик палатасининг роли кучайганлиги билан характерланади. Диссертантнинг фикрича, мамлакатимизда парламентаризмнинг шаклланиш жараёни тугалланмаганлиги туфайли Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатлари босқичма-босқич ривожланишда давом этмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбекистон Республикасида парламент ва ҳукумат муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизми**»га бағишланган бўлиб, ўз ичига тўрт параграфни олган. Мазкур бобда Ўзбекистон Республикасида Ҳукуматни шакллантириш жараёнида парламентнинг иштироки, парламентнинг ҳукумат фаолияти устидан назорат фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари, ҳукуматнинг парламент олдида жавобгарлиги, қонун ижодкорлиги жараёнида парламент ва ҳукумат ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган.

Тадқиқотчи томонидан ҳукуматни шакллантиришда парламентнинг иштироки масаласида ҳуқуқшунос олимларнинг (А.Мухамеджанов, И.Тулътеев, Б.Алимов, А.Раҳманов, М.Баглай, А.Гогаева, S.Golder) илмий ёндашувлари таҳлил қилинган ҳамда мазкур жараёнда парламентнинг иштироки уч хил – нопарламентар, ярим парламентар ва парламентар усулда амалга оширилади, деган хулосага келинган.

Муаллифнинг фикрича, ҳукуматни шакллантиришда парламентнинг иштироки муайян давлатнинг бошқарув шаклига боғлиқ бўлиб, конституциявий ҳуқуқ фанида олимлар ўртасида МДХ мамлакатларида (шу жумладан, Ўзбекистон) давлат бошқарув шаклини таснифлаш масаласи баҳсли бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикасида Ҳукуматни шакллантириш модели аралаш бошқарув шаклининг хусусиятларига эга.

Шунингдек, изланувчи томонидан ҳукуматни шакллантириш тартибининг энг самарали ва демократик усулини топиш мақсадида давлат бошқаруви шакллари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Диссертант томонидан аралаш бошқарув шаклидаги хорижий давлатларда ҳукуматни шакллантиришнинг усуллари ҳуқуқшунос олимларнинг (M.Debre, M.Duverger, А.Раҳманов) ёндашувлари орқали таҳлил қилиниб, қуйидаги хусусиятлар ажратиб кўрсатилган: 1) ҳукумат президент ва парламент ўртасидаги ҳамкорлик ва мувозанатда (кўп ҳолларда парламент устунлиги остида) шакллантирилади; 2) ҳукумат аъзолари парламентда ғолиб сийёсий партиялар томонидан илгари сурилади; 3) ижро ҳокимияти президент ва ҳукумат томонидан биргаликда амалга оширилади; 4) президент расман ижро ҳокимияти таркибига кирмайди ҳамда ҳокимият тармоқлари ўртасида ҳакамлик вазифасини бажаради.

Муаллифнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш жараёнида парламент ва давлат бошлиғининг иштироки, бевосита ҳукуматнинг алоҳида ҳокимият тармоғи сифатида конституциявий-ҳуқуқий мақомини белгилайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Ҳукуматни шакллантириш жараёни қуйидаги уч босқични ўз ичига олади: 1) Бош вазир номзодини илгари суриш; 2) парламент томонидан Бош вазир лавозимига номзодга ва Ҳукумат дастурига ишонч билдириш; 3) Бош вазир таклифига биноан парламент иштирокида Ҳукумат аъзоларини маъқуллаш ва давлат бошлиғи томонидан тасдиқлаш.

Диссертант томонидан Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури бўйича ҳуқуқшунос олимлар (Р.Ҳақимов, Ш.Зулфикаров, Б.Алимов) ёндашувлари таҳлил этилиб, Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури тушунчасига нисбатан муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Бош вазир лавозимига номзоднинг Олий Мажлис палаталарига ҳаракатлар дастурини тақдим этиши ва уни муҳокама қилиш тартиб-таомиллари тўлиқ тартибга солинмаганлиги таъкидланган ҳамда мазкур масалалар бўйича таклифлар илгари сурилган. Шунингдек, изланувчининг таъкидлашича, Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг лавозимига номзод кўриб чиқиладиганда ва маъқулланаётганда унинг истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар режасини маъқулланиши ҳамда тасдиқланишига оид аниқ муддатларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотчи ҳукумат фаолияти устидан парламент назорати бўйича ҳуқуқшунос олимлар ёндашувларини (А.Саидов, Т.Хабриева, А.Керимов, Б.Страшун, А.Латифов, М.Нажимов, F.Fitsilis, D.Koryzis) таҳлил қилган ҳолда парламент назоратининг асосий мақсади ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг доимий назорати натижасида қонунлар ижросига тўсиқ бўлган ҳолатларни аниқлаш ва уларни бар்தараф этувчи чора-тадбирлар қўллаш, деган хулоса келган.

Диссертантнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасида парламент назоратининг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин: конституция ва қонунлар, парламент ҳамда давлат бошлиғи қарорлари юзасидан давлат дастурларини ижро этиш юзасидан назорат; инсон ҳуқуқлари ва эркинларига риоя қилиш бўйича назорат; мудофаа ва хавфсизлик бўйича назорат; давлат бюджети ижроси юзасидан назорат; давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларини шакллантириш юзасидан назорат; ташқи сиёсий фаолият юзасидан назорат.

Диссертант томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунига парламент назоратининг ҳаракат доираси ва мезонини белгилаш мақсадида парламент назоратининг принципларни киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Муаллиф парламент сўрови, депутат ва сенатор сўровларининг ҳуқуқий асосларини расмий статистик маълумотлар асосида таҳлил қилган ҳолда амалиётда депутат ва сенатор сўрови институтидан фойдаланиш, уни амалга ошириш кафолатлари билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини кўрсатишга ҳаракат қилган. Тадқиқотчи томонидан депутат ва сенатор сўровлари лойиҳасини шакллантиришда фуқароларнинг Интернет тармоғидаги муурожаатлари асосида парламент веб-сайтида электрон муурожаатларни қабул қилувчи «Менинг сўровим» порталини яратиш, тегишли ҳудуд ва округ манфаатларини инобатга олиб депутат ва сенатор сўровларини шакллантириш таклифи ишлаб чиқилган.

Диссертант томонидан дунё амалиётида кенг қўлланилиб келинаётган «ҳукумат соати» институти бўйича хорижий мамлакатлар (Буюк Британия, Германия, Канада) тажрибасини таҳлил қилиниб, «ҳукумат соати»да олдиндан огоҳлантиришни тақозо этмайдиган ҳамда ҳукуматдан қисқа муддатда аниқ жавоб беришни талаб қиладиган «долзарб саволлар» бериш амалиётини қонунчиликка жорий этиш ҳақида таклифлар ишлаб чиқилган.

Муаллиф томонидан «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунда мустаҳкамланган парламент текшируви институти билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий муаммолар тадқиқ этилган ҳамда қонун ҳужжатларида парламент текширувини ўтказиш тартиби, муддати ва натижалари билан боғлиқ тартиб-қоидалар батафсил баён этилмаганлиги таъкидланиб, парламент текшируви ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Диссертант томонидан ҳукуматнинг парламент олдида жавобгарлигининг конституциявий-ҳуқуқий ва сиёсий турлари ўзаро назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиниб, муаллифнинг фикрича, ҳукумат конституциявий нормаларни бузилиши (конституциявий деликтлар) оқибатида конституциявий-ҳуқуқий ва

ҳуқуқий (жиноий, маъмурий) жавобгар ҳамда давлат ҳокимиятидаги мақомини инобатга олган ҳолда парламент ва давлат бошлиғи олдида сиёсий жавобгар ҳисобланади.

Диссертантнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра Вазирлар Маҳкамасининг функциялари ва ваколатларидан келиб чиқиб, Ҳукумат ва унинг аъзоларига нисбатан икки турдаги шахсий (индивидуал) ва жамоавий (коллегиал) жавобгарлик чоралари мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Бош вазир Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлса, парламент олдида Бош вазирнинг шахсий жавобгарлиги унга нисбатан Қонунчилик палатаси томонидан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи мавжудлигида намоён бўлади.

Шунингдек, Ҳукумат аъзоларининг «шахсий жавобгарлиги» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Вазирлар Маҳкамаси айрим аъзосининг фаолияти юзасидан зарур бўлганда уни истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун таклиф киритиши мумкинлигида намоён бўлади. Муаллифнинг фикрича, Ҳукуматнинг «жамоавий жавобгарлиги» учун Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми парламент палаталари томонидан қабул қилинган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқиши зарурий асос ҳисобланади.

Тадиқотчининг фикрича, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тартиби бир мунча ноаниқ, хусусан, ишончсизлик вотумини билдиришнинг аниқ асослари ва муддатлари қонунчиликда тўлиқ тартибга солинмаганлиги сабабли қонун ҳужжатларига тегишли қўшимчалар киритилиши таклиф этилади.

Шунингдек, муаллиф томонидан амалдаги қонунчиликка кўра, парламент томонидан ишончсизлик вотуми Бош вазирга нисбатан фаолиятининг исталган муддатида билдирилиши мумкинлиги муайян вақт талаб қилувчи дастурларни амалга оширишга тўсқинлик қилиши ҳамда Ҳукумат барқарорлигига салбий таъсир қилиши мумкин деган хулосага келинган. Изланувчи хорижий мамлакатлар (Португалия, Испания, Польша, Беларусь) тажрибасидан келиб чиқиб, ишончсизлик вотуми билдириш ҳамда қайта ишончсизлик вотуми таклифи билан чиқишнинг аниқ муддатларини белгилаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келган. Диссертантнинг фикрича, қонунчилигимизда ишончсизлик вотуми билдиришнинг ҳамда қайта ишончсизлик вотуми таклифи билан чиқишнинг аниқ муддатларини белгилаш орқали Ҳукумат барқарорлиги таъминланади ҳамда муайян вақт талаб қилувчи дастурларни амалга оширишга имконият пайдо бўлади.

Диссертант қонун ижодкорлиги жараёнида парламент ва ҳукумат ҳамкорлиги масалалари бўйича ҳуқуқшунос олимлар (Х.Одилқориев, А.Хошимхонов, М.Нажимов, Ш.Сайдуллаев) фикрларини таҳлил қилиб, илмий мунозарага киришган ҳолда ҳукуматнинг қонун ижодкорлиги ваколатларини ўзига хос қуйидаги моделларга ажратади: 1) парламентар республика модели; 2) президентлик республикаси модели; 3) аралаш республика модели.

Муаллифнинг фикрича, давлат бошқарувининг аралаш шаклида президент ҳокимият тармоқлари таркибига кирмаганлиги учун ҳукумат ҳам конституцияга мувофиқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлгани ҳолда, мазкур фаолиятни мустақил амалга оширади (Масалан, Франция, Ўзбекистон).

Тадқиқотчи томонидан ҳукуматнинг қонун ижодкорлиги жараёнида иштироки шакллари ҳамда ўзига хос ва стандарт ваколатларининг гуруҳларга бўлиниши бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг (В.В.Мозолев, И.И.Шувалов) илмий ёндашувлари таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокининг модели – «тенг кучли ваколатли ҳукумат» ва айрим ҳолатларда «кучли ҳукумат» модели элементларига мос келиши, унга кўра Ҳукуматнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи мавжудлиги ҳамда унинг парламент муҳокамаларида иштироки, шуниндек, айрим масалаларда Давлат бюджети (молиявий қонун лойиҳалари бўйича) ҳал қилувчи овозга эга бўлиши билан ўзига хосдир.

Тадқиқотчи томонидан қонун ижодкорлиги жараёнида парламент ва ҳукумат ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ўзи киритган қонун лойиҳалари ва қонунларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида кўриб чиқишда иштирок этиш учун тайинланган вакилларида ташқари Олий Мажлис палаталари таклифига мувофиқ Ҳукумат аъзоларининг иштирок этиши ва саволларга жавоб бериши шартлиги бўйича таклиф илгари сурилган. Изланувчи томонидан қонун ижодкорлиги жараёнида «ваколатли қонунчилик» институти самарали қўлланилаётган бир қатор ривожланган хорижий мамлакатлар (Франция, Испания)нинг илғор тажрибаси таҳлил қилинган ҳамда мазкур институтни истиқболда миллий қонунчиликка жорий этиш масалалари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган.

Диссертациянинг учинчи боби **«Хорижий давлатларда парламент ва ҳукумат муносабатлари таҳлили ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари»** деб номланиб, ушбу бобда хорижий мамлакатларнинг парламент ва ҳукумат муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий механизмига оид илғор тажрибасининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатлари механизми самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари тадқиқ этилган.

Изланувчи томонидан парламентар ва аралаш бошқарув шаклидаги хорижий мамлакатлар (Буюк Британия, Франция, Германия, Испания, Италия, Япония, Греция)да ҳукуматни шакллантириш амалиёти таҳлил қилиниб, диссертант томонидан аксарият ривожланган давлатларда ҳукуматни шакллантириш жараёнида одатда «коалицион ҳукумат» шаклланади, деган хулосага келинган ҳамда айрим давлатлар (Португалия) мисолида ҳукуматнинг парламентга ҳаракат дастурини киритиши ҳамда унинг муҳокама қилиниши жараёнлари ўрганилган. Шунингдек, Буюк Британия парламент тизимидаги расмий муҳолифат ҳукумати – «Соядаги Кабинет» («Shadow Cabinet») амалиёти



ва Грецияда ҳукуматни шакллантиришнинг ўзига хос модели ижобий баҳоланган.

Тадқиқотчи томонидан хорижий тажрибада парламент сўровининг бир тури сифатида «интерпелляция» интитутининг ҳуқуқий табиати ўрганилиб, истиқболда уни миллий қонунчиликда қўллаш масалалари назарий-ҳуқуқий таҳлил қилинган ҳамда «ҳукумат соати» институти, парламент «тергов қўмиталари» фаолияти бўйича хорижий мамлакатлар амалиёти муҳокама қилинган. Шунингдек, МДХ мамлакатлари қонунчилиги бўйича изланувчи томонидан ҳукуматнинг парламентга таъсир этиш воситаси сифатида ҳокимият тармоқларининг ўзаро тенглиги ҳамда бир-бирига таъсир қилиш механизмининг воситаси сифатида «ишонч вотуми» институти (Россия Федерацияси) ва парламент куйи палатаси олдида ҳукумат аъзоларининг жавобгарлиги юзасидан хорижий амалиёт (Қозоғистон Республикаси) таҳлил қилинган. Диссертант ҳукуматни шакллантириш жараёнида парламентнинг иштироки, парламент назорати, ҳукуматнинг парламент олдида жавобгарлиги масалалари бўйича Марказий Осиё давлатлари қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилган ҳолда минтақа мамлакатлари қонунчилиги амалиётида парламент ва ҳукумат муносабатлари бўйича дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасининг айрим жиҳатлари у ёки бу кўринишда мавжудлигини таъкидлаган.

Муаллифнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ўзаро муносабатларига оид қонунчиликни такомиллаштириш икки ҳокимият тармоғи ўртасида «ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизими»ни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ижросини ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, Олий Мажлисининг назорат фаолиятини кучайтириш, давлат механизмида парламент ва Ҳукумат зиммасига юклатилган вазифаларни самарали ижро этишга хизмат қилади.

Диссертант томонидан мазкур боб доирасида хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, миллий қонунчиликни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иштирокини кучайтириш; парламент назоратининг янги замонавий шакллари жорий этиш; парламент эшитувлари ва парламент текшируви ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгарлигини кучайтириш; парламент ва ҳукуматнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ҳамкорлигини ривожлантириш; ҳукумат фаолиятини ташкил этишда лаёқатсизлик учун қонун чиқарувчи ҳокимият масъулиятини ошириш масалалари назарий-ҳуқуқий таҳлил қилиниб, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан асосланган таклифлар илгари сурилган.

## ХУЛОСА

Давлат ҳокимияти тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни конституциявий ҳуқуқ фани нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ҳамда тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш натижалари қуйидаги илмий-амалий хулосаларга келишга, шунингдек қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсияларни илгари суришга хизмат қилди.

### I. Илмий-назарий хулосалар

1. Ўзбекистонда ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий тамойилини амалга оширишнинг айрим жиҳатлари ёритилди. Унга кўра, давлат ҳокимияти тизимида парламент институтини ривожлантириш ислохотлари давлат бошқарувини демократлаштириш, икки палатали парламентни ташкил этиш, унинг назорат ваколатларини кенгайтириш ва қонун ижодкорлиги сифатини оширишга қаратилди ҳамда ижро ҳокимияти тизимида Вазирлар Маҳкамаси олий орган сифатида шаклланиб, Бош вазир унга раҳбарлик қилувчи, ҳукумат фаолиятига шахсан жавобгар мансабдор шахс мақомига эга бўлди. Ушбу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақоми, ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари яратилди.

2. Парламент ва ҳукумат ўртасидаги муносабатлар давлат бошқарув шакли ҳамда «ўзаро мувозанат ва бир-бирини тийиб туриш» тамойили бўйича фарқланади. Мазкур муносабатларнинг илмий тушунчасини аниқлаштириш мақсадида қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: парламент ва ҳукумат ўртасидаги муносабатлар – ҳокимиятлар бўлиниши принципида вужудга келувчи, ўзаро мувозанат ва бир-бирини тийиб туриш тизимида асосланган, давлатнинг мақсад ва вазифаларини бажаришга қаратилган, мамлакат ҳаётидаги энг муҳим муносабатларни тартибга солувчи доимий ташкилий-ҳуқуқий воситалар йиғиндиси.

3. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатлари ҳуқуқий асосларини шаклланишини тарихий, конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилган ҳолда ушбу жараёни шартли равишда **тўрт** босқичга ажратиш мумкин: Биринчи босқич 1990 йилдан 2002 йилгача, иккинчи босқич 2002 йилдан 2010 йилгача, учинчи босқич 2010 йилдан 2016 йилгача, тўртинчи босқич 2016 йилдан ҳозирги кунга қадар деб даврлаштириш мумкин.

